

**ФИНЛАНДИЯ ТАЖРИБАСИНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА  
КИРИБ КЕЛИШИ**

*Курбонова Гулмира Усмоновна*

*Ўзбекистон Финдландия Педагогика институти*

*Инглиз тили фани ўқитувчиси*

*Абдуҳамидова Мафтуна*

*Хорижий тил ва адабиёти йўналиши талабаси*

*Равшанова Фарангиз*

*Хорижий тил ва адабиёти йўналиши талабаси*

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада бугунги кунда ривожланиб келаётган хориж давлатларидаги таълим тизимини шаклланиши, уларнинг тажрибаси қисқача ёритилган. Жумладан, Финландиядаги таълим тизими, унинг ўзига хослиги ва ютуқлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** таълим, тажриба, шахс, магистр, бакалавр, модел

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье кратко описаны становление системы образования в развивающихся странах сегодня, их опыт. В частности, выделяются система образования в Финляндии, ее уникальность и достижения.

**Ключевые слова:** образование, опыт, личность, магистр, бакалавр, модель.

**ABSTRACT**

This article briefly describes the formation of the education system in developing countries today, their experience. In particular, the education system in Finland, its uniqueness and achievements are highlighted.

**Keywords:** education, experience, personality, master, bachelor, model

Жаҳонда мавжуд таълим тизимларини таҳлил этиш Европа мамлакатларидаги ўқув дастурлари ва даражаларининг ўта мураккаблиги ва хилма-хиллигини тасдиқлайди. Шу муносабат билан Сорбон декларацияси таълим олишнинг дипломолди ва дипломдан кейинги циклларини ташкил этишни тавсия этади, лекин унинг давомийлигини қайд этмайди. Бу борада юзага келаётган мунозаралар 3, 5 ёки 8 йил таҳсил олишни талаб этадиган уч асосий малака даражасига эга Европа моделида мужассамлашади. Бакалавриатура босқичининг ҳам анъанавий, ҳам янги киритилаётган эквивалент даражалари 3–4 йил таҳсил олишни талаб этади. Бакалавриатура мавжуд бўлмаган кўпчилик Европа мамлакатларида бирламчи даражага эришиш учун 4

йил таҳсил олиш зарур. Магистрлик даражасини олиш учун 5 йил ўқиш одатий ҳол ҳисобланса, докторлик даражасига эга бўлиш учун 8 йил таҳсил олиш стандарти унча кенг тарқалмаган. АҚШ, Буюк Британия ва континентал Европадан ташқари дунёнинг кўпчилиқ мамлакатларида икки босқичли тизимдан фойдаланилса ҳам, ушбу мамлакатларда таълим олишнинг давомийлиги ва даражалар таркиби бир-биридан кескин фарқланади. Европада даражалар (малака) таркибига тегишли бир қатор муҳим тенденцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Баъзи Европа мамлакатларининг ҳукуматлари ўқиш даврини маълум бир меъёрларга қадар (кўпчилиқ мамлакатларда бу муддат 2–4 йилдан ошмайди) пасайтириш ва оралиқ битирувчилари бўлмаган узоқ муддатли таълим дастурларидан фойдаланадиган мамлакатларда биринчи даражали дипломларни жорий этиш орқали қисқартиришни қўллаб-қувватлайдилар. Ислохотлар натижасида Германия ва Австрияда анъанавий даражадаги диплом билан биргаликда бакалавр (магистр) даражасини олиш учун таҳсил олиш мумкин. Италия ва Францияда мавжуд таълим дастурлари бирламчи ва дипломдан кейинги цикллари кўринишида ташкил этилади. Икки босқичли тизимнинг элементлари кўпгина Европа мамлакатларида мавжуд. Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқининг бир неча мамлакатларидагина олий таълимнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини қамраб олувчи таълимнинг икки босқичли тизими фаолият юритмаяпти. Икки даражали (бинар) тизимга эга мамлакатлар университет ва ноуниверситет секторлари (ва улар даражалари таркиби) ўртасидаги фарқ емирилиб бормоқда. Кўпчилиқ мамлакатлар тизимдан тизимга ўтказишнинг (ёки энг камида академик кредитларни<sup>2</sup> бир жойга жамлаш, тўплаш учун) турли тизимларини қабул қилишган ёки қабул қилишмоқда. Бу тизимларнинг кўпчилиги олий таълим муассасаларида эътироф этилаётган ECTS<sup>3</sup> билан мосдир. Кўпгина мамлакатларда университетларнинг автономияси даражасини ошириш ва сифатни назорат қилиш ва баҳолаш бўйича янги ташаббусларнинг кўпайиши тенденцияси юзага чиқмоқда. Халқаро тадқиқотлар илғор таълим амалиётини кузатиш, инновацион таълим сиёсати ҳамда амалиётини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнлари, умуман, ўрганишимиз мумкин бўлган кўпгина муваффақиятли мисоллар билан танишиш имконини беради. Шу боис таълим соҳасидаги энг илғор, етакчи давлат – Финляндия тажрибаси билан танишиш мақсадида PISA ва PIAAC тадқиқотларининг кўп йиллик таҳлилларига асосан, халқаро экспертлар, тадқиқотчилар мулоҳазаларига ҳамда PISA дастурининг асосчиси, таълим тадқиқотчиси Андреас Шляйхернинг хулоса ва таҳлилларига мурожаат этдик. Финляндия – юқори натижаларга эришиш масалаларида энг барқарор мамлакатлар сирасига киради. У қойилмақом таълимнинг синонимига айланган. Ҳақиқатан ҳам кўплаб мамлакатлар Финляндияга ўз экспертларини илғор тажриба, қонун чиқариш асослари ва яхши амалиётларни ўрганиб, ўз мактабларида қўллашни ўзлаштириш учун юборади.

PISA-2015 натижаларига кўра, Финляндия ўқиш саводхонлиги бўйича 4ўрин, табиий фанлардан 5-ўрин ва математикадан 13-ўринни эгаллади. Эҳтимол, бу натижалар унинг олдинги тадқиқотлардаги юқори кўрсаткичларидан пастроқдир (уч йўналиш бўйича энг паст ўзлаштирувчи ўқувчилар улуши рейтинг чўққисидаги мамлакатлар – Канада, Эстония, Гонконг, Сингапур ва Вьетнамга нисбатан юқори эди), аммо айти пайтда Финляндия юқори натижаларга эришган энг ишончли тизимлардан бири бўлиб қолади.

Бу мамлакат тажрибаси муваффақият қозонишнинг кўп усуллари мавжудлигини кўрсатади. Бу тизимда ўқувчилар самарадор Осие мамлакатларидагига қараганда ўқишга кам вақт сарфлайди, уйга берилган топшириқлар кам, мактаб текширувлари эса бекор қилинган. Аммо кўпчилик муваффақиятли таълим тизимлари каби, фин таълим тизими шароити оғир ўқувчилар ҳам юқори натижаларга эришиши мумкин ва ҳар қандай мактаб, қаерда жойлашганидан қатъи назар, юқори сифатли таълим бериши керак, деган фикрга асосланади. Шимолий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатларида бўлгани каби бу ерда ҳам ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таълим натижаларига таъсири пастлиги кўринади. Финляндия мисоли фақат таълим тизими сифати унинг ўқитувчилари сифатидан юқори бўлмаслигини тасдиқлайди.

Финляндияда қийналаётган ва қўшимча ёрдамга муҳтож болаларни фан ўқитувчилари билан ҳамкорлик қиладиган устоз-ўқитувчилар аниқлайди, кейин эса синфдошларига етиб олишда бундай ўқувчиларга ёрдам бериш учун улар билан яқка ҳолда ёки кичик гуруҳларда ишлайди. Фақат танлаб олинган ўқувчиларгина муваффақиятга эриша олади, деган фикрдан воз кечиш ва ҳар бир ўқувчи юқори даражада ўзлаштира олишига ишониш учун кўпчилик давлатларга узоқ вақт керак бўлди. Бу мақсадга эришиш учун таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва имкониятларни оширишнинг ҳар томонлама мувофиқлаштирилган дастури зарур. Аммо яхши кўрсаткичларга эга мамлакатларда мавжуд моделлардан бири ўқувчиларнинг қобилияти ва турли даражадаги когнитив кўникмаларига қараб ажратадиган тизимдан ҳамма ўқувчилар ҳаммага бирдай талаб қўйиладиган ўқув дастурига эга умумтаълим мактабларида ўқийдиган тизимга аста-секин ўтишдир. Финляндия 1970 йилларда шу йўлдан борган биринчи мамлакат бўлди. Финляндия педагогик таълимни олий таълимнинг энг нуфузли йўналишларидан бирига айлантирди. Ҳар йили педагогика олий ўқув юртларига битта ўринга ўндан ортиқ номзод даъвогарлик қилади, ўқишга кира олмаган ёшларда эса адвокат ёки врач бўлиш имконияти қолади. Абитуриентлар мактабдаги ўқиш натижалари ва кириш имтиҳонида олган баҳосига асосан баҳоланади. Номзодларни янада жиддийроқ саралаш кейинроқ содир бўлади.

Академик натижалар асосидаги бошланғич танловдан сўнг улар ўқитувчи ишини кўрсатиб беришига қараб баҳоланади, кейин улардан интервью олинади. Фақат юқори даражада ўзлаштиришдан ташқари ҳақиқатан дарс бера олиш қобилиятига эга абитуриентларгина ўқишга қабул қилинади.

Ўқитувчилик касбига нафақат бакалаврият, балки магистратура битирувчилари ичидан энг яхшиларини жалб қилади. Ўқитувчи мактабда иш бошлаганидан кейин унинг мажбурий малака ошириш курсларида ўқишни давом эттириши кўзда тутилади. Ўқитувчилик муҳим ва ҳурматга лойиқ иш сифатида қабул қилинади, ўқитувчиларга ишонишади ва уларга мустақиллик беришади. Ишга қабул қилиш шартларининг даражасини кўтариш ва ўқитувчиларга синфда кўпроқ ҳаракат ва назорат эркинлиги беришни бирга кўшиш, шунингдек, ўз иш шароитига таъсир ўтказиш имконияти ўқитувчилик касби мақомининг ошишига йўл очиб берди. Бугун ўқитувчилик ёш финларнинг энг ардоқли касбларидан бирига айланган. Фин педагоглари амалда барча ўқувчиларга билимли бўлишга ёрдам бера олишларини исботлаб, ота-оналар ва бутун жамиятнинг ишончига сазовор бўлди.

Анча самарали таълим тизимлари кенг назарий базагагина эмас, балки бевосита синфларда ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлашга асосланган бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш моделини яратиш устида ҳам ишляпти. Бундай дастурларнинг моҳияти шундаки, бўлажак ўқитувчилар мактабга эртароқ киради, кўп вақтларини мактабда ўтказади ва таълим олиш жараёнида катта ёрдам олади. Бундай дастурлар муаммоли ўқувчиларга эрта ва аниқ ташхис қўйиш ва ўқув режасини мос равишда соддалаштириш малакасини ривожлантиришда ўқитувчиларга кўмак беришга кўпроқ эътибор беради. Бу дастурлар бўлажак ўқитувчилар кенг инновацион педагогик услублардан дадил фойдаланадиган кишилар бўлишини кўзда тутди. Бу ўқувчиларнинг ўқув тажрибасини бойитиш, тасаввур, ўртага масала ташлаш қобилиятини ўстирадиган жамоавий фаолиятда иштирок этишни рағбатлантиради.

Баъзи мамлакатларда бўлғуси ўқитувчиларнинг бошланғич тайёргарлиги илмий текшириш асосларини ўз ичига олади. Ўқитувчилар бу кўникмалардан умри давомида ўқиб-ўрганишга тайёр ўқувчилар каби фойдаланади ва педагогнинг касбий фаолиятини яхшилашга ўз ҳиссасини кўшиш учун турғун амалиётни шубҳа остига қўяди, дея тахмин қилинади. Илмий текшириш фаолияти ўқитувчилар касбий тайёргарлигининг ажралмас қисмидир. Финляндияда ҳар бир ўқитувчи маълумотни магистрлик диссертацияси билан тугаллайди. Финляндия ижодкорлик ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш ўқув дастурларини ишлаб чиқувчи мамлакатларнинг олдинги сафида тургани боис

ўқитувчилик иши тадқиқотлар, ишлаб чиқишлар ва лойиҳалар билан боғлиқ касбга қизиқадиган кўп кишиларни ўзига жалб қилади.

Фин мактаблари ўқув муддатининг учдан бирига яқинини дарсдан ташқари фаолиятга бағишлайди, бу билан бўш ўзлаштирувчи ва истеъдодли ўқувчилар билан ишлаш учун ўқитувчиларга кенг имкониятлар яратиб беради. Финляндияда махсус таълимга эҳтиёжманд болалар таълими ўқишда қийинчилик сезадиган ўқувчилар таълимининг синоними эмас. Аксинча, амалда ҳар бир ўқувчи маълум бир муддат ўқишга алоҳида эҳтиёжи бўлган ўқувчига айланиши мумкин, бунинг сабаби шуки, мактаб бу болага мактабдан ташқарида кўп нарса қилиш мумкин, деб ҳисоблайди. Синфда ўз ўқув фаолиятига мақсад қўйиш ва унга эришишни назорат қилиш маҳоратини ривожлантиришга ва ўқувчиларнинг ўзини ўзи баҳолаш қобилиятига катта эътибор берилади. Ўрта мактабни тугатаётган ўқувчилар шахсий дастур ишлаб чиқа олади ва дастур доирасида ҳар бири баҳо олмаган ҳолда ўз маромида таълим олишни давом эттиради, дея ҳисобланади.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. Toshkent.-2005.
2. Ҳожиев, Р. Б., & Норбоева, Д. О. (2021). Ёшлар ижтимоий ҳаётининг когнитив асослари. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(2), 544-555.
3. Икрамов Р.А., Хожиев Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. *Вестник науки и образования*. № 14 (92). Часть 1. С. 88-90.
4. Maksuda Khajieva, Rasulbek Khajiev (2015). The Role of the Tolerance in Society and its Philosophical Interpretation. *Young scientist*. Vol. 2. P. 159-161.
5. Атажанова, Р. Р. (2020). Рабочая тетрадь по изобразительному искусству как средство повышения креативного мышления самостоятельной работы учеников в младших классах. *Academic Research in Educational Sciences*, 1(2), 201-204.
6. Норбоева, Д. О. (2021). Аёл – оила қурғонининг қуриқчиси. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(2), 101-106.
7. Норбоева, Д. О. (2020). Фуқаролик жамияти – демократия кўзгуси. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 460-467.